

---

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ФАРҒОНАЛИК БОЛАЖОНЛАРГА ШОДЛИК УЛАШДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги Ислон Каримов номидаги театр-концерт саройида фарғоналик ўғил-қизлар учун "Президент арчаси" байрам тадбири ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят ИИБ бошлиғи Азизбек Икрамов, Миллий гвардия вилоят бўйича бошқарма бошлиғи Шавкат Акбаров иштирок этдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими болажонларни янги йил байрами билан табриклади. Янги йил байрамида Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборлари ва ғамхўрликлари билан ўғил-қизлар учун "Президент арчаси" байрам тадбирлари ташкил этилиб, Муҳтарам Президентимизнинг совғаларини тақдим этиш ўзига хос анъанага айланганлигини, бу йил ҳам вилоятимиз бўйича 814 нафар болажонларга ана шундай совғалар топширилишини айтиб ўтди. Бунга муносиб равишда келажагимиз эгаларини яхши ўқиб, ҳунар эгаллаб, юрт манфаати, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган инсонлар бўлиб вояга етишга чорлади.

Шундан сўнг оилавий болалар уйлари ҳамда "Мурувват" болалар интернат уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган болалар, ота-оналари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ўғил-қизларга "Президент совғалари" тантанали тарзда топширилди.

Шунингдек, вилоятимиз шаҳар ва туманларида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 400 нафар фарзандларига вилоят ҳокимининг Янги йил совғалари ҳам топширилди.

"Қор маликаси учун сеҳрли юрак" номли эртак шоу-спектакль эса барчага бир олам қувонч бағишлади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-28 16:44:10